
Коронавирусни бирга енгамиз!

Коронавирусни бирга енгамиз!

Ассалому алайкум, азиз тумандошлар!

Бугун ҳар биримиз синовли кунларни бошдан кечиряпмиз. Коронавирус пандемияси гирдобига тушиб қолган бутун дунё аҳли бу балодан тезроқ қутулиш йўллари қидирмоқда. Охириги ўн кунда бутун дунё миқёсида бўлгани каби Республикамызда ҳам касалланишлар сонининг кескин ошиб бориши ҳар биримизни яна бир бор хушёрликка, огоҳликка даъват этади. Бугунги кунда агар очиқ-ойдин айтадиган бўлсак, коронавирус пандемияси бўйича вазиятимиз унча яхши эмас.

Юртимизда Covid-19 илк бор аниқланган ҳолатга ҳам деярли 4 ой бўлди. Касалликнинг кенг тарқалиши ҳамда соғлиқни сақлаш тизимига тушадиган оғирликнинг олдини олиш мақсадида биринчи босқичда чеклов чоралари қабул қилинди. Жумладан, жамоат ва шахсий транспортлар ҳаракати тўхтатилди, маҳаллий ва хорижий мамлакатлар билан авиа ва темир йўл қатновлари чекланди. Карантин инфекция занжирини узиб, тиббиёт ходимлари ва тиббиёт муассасаларини тайёрлаб, касалланишнинг кескин ортиб кетмаслигига имкон берди.

Республика махсус комиссияси қарори билан карантин чекловлари босқичма-босқич юмшатилади: ҳудудлар кесимида эпидемиологик вазият инобатга олиниб, тоифаланди. Бироқ сўнгги 2 ҳафта мобайнида касалланишнинг рекорд кўрсаткичлари қайд этилмоқда. Бунда инфекция нафақат карантин ҳудудларида, балки аҳоли орасида ҳам аниқланмоқда. Шу боис коронавирус эпидемиясининг “иккинчи тўлқин”ини олдини олиш учун бутун республика бўйлаб карантин чекловлари қайта кучайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев раҳбарлигида жорий йил 8 июль санасида ўтказилган видеоселектор йиғилишда таъкидланганидек, бу жуда мураккаб синов ва оғир курашда кўп нарса ўзимизга, ақл билан ҳаракатимизга, сабр-тоқатимизга, темир интизом билан қатъият ва жипсликда иш кўришимизга боғлиқ. Лекин, минг афсуски, аҳоли ўртасида кўпчилик мана шу талабларга тўла амал қилмаяпти.

Айниқса, тиббий ниқоб тақмаслик ёки уни номига тақиш, санитария-гигиена қоидаларини бузиш, ўзаро қўл бериб кўришиш, ижтимоий масофани сақламаслик, заруратсиз оилавий тадбирларни ўтказиш ҳолатлари кўпаймоқда.

Афсўски, бундай ҳолатларни Сух туманида ҳам кўришимиз мумкин. Республика махсус комиссиясининг қарорига кўра, Ўзбекистонда 10 июльдан 1 август санасига қадар карантин тартиб-қоидалари янада кучайтирилди. Жорий қилинаётган бу тартиб ва чекловлар албатта, ҳар бир фуқаро, унинг саломатлигини ҳимоялашга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Зеро “Саломатлик - туман бойлик” деб бежиз айтилмаган доно халқимиз.

Туман ҳокимининг фармойишига асосан коронавирус инфекциясини Сўх туманига ҳудудига келиши ва тарқалишини олдини олиш ва назорат қилиш бўйича туман ҳокимлигида штаб ташкил этилди. Тумандаги барча ташкилот-корхона, муассаса ва секторлар раҳбарларига аҳоли ўртасида тарғибот, санитария-гигиена қоидаларига амал қилиш бўйича қаттиқ назорат ўрнатиш, ҳудудларда дезинфекция ишларини тизимли ташкил этиш, оммавий тадбирлар ташкил этишга йўл қўймаслик чораларини кўриш, карантин қоидалари жумладан, тиббий ниқоб ва қўлқоплар тақилишини қаттиқ назоратга олиш топширилди. Умумий овқатланиш шаҳобчалари (ресторан, кафе, чойхона)лар фаолияти ҳам тўхтатилди.

Азиз юртдошлар! Белгиланган чора-тадбирларни агар ҳар биримиз биргалашиб, амалга татбиқ этсак, кўзланган мақсадимизга эришамиз. Бу йўлда ҳар биримиз яқдиллик билан ҳаракат қилишимиз лозим. Бу глобал муаммога қарши биргаликда курашишимиз даркор. Ҳозир бепарволик ва лоқайдликни мавриди эмас. Бу йўлда биргалашиб интилиш давр ва замон талабидир. Биз бир кучмиз ва агар бирлашсак, бирга бўлсак, марра бизники. Зеро, саломатлик ва осуда ҳаёт инсон учун энг асосий неъматдир. Уни асрашимиз, унинг барпо этишга интилиш ҳар биримизнинг асосий вазифамиз бўлмоғи лозим.

Азиз тумандошлар!

Коронавирус тарқалишини олдини олишнинг энг муҳим шarti карантин қоидаларига қатъий ва истисноларсиз риоя этишдир.

Шунинг учун, чет элдан қайтиб келаётган ватандошларимиз, фаолиятида чекловлар ўрнатилган ташкилотлар ва муассасалар, тадбиркорлик субъектлари ва умуман мазкур чекловлар тегишли бўлган барча-барча субъектлар, жисмоний ва мансабдор шахслар давлат томонидан белгиланган карантин қоидалари ва талабларини сўзсиз бажаришларини қатъий сўраймиз.

Шу муносабат билан яна бир марта барча аҳоли қатламларини алоҳида огоҳлантирамиз ҳамда ўз ҳаракатларингиз билан нафақат ўзингиз балки оила аъзоларингиз ва халқимизга зиён етказишингиз мумкинлигини доимо эсда тутишларингизни сўраймиз.

Вирус кенг тарқалишининг олдини олиш учун фуқаролар жамоат жойларига иложи борича чиқмаслиги, ўз ҳаракатланишини кескин чеклашлари ва умуман олганда жамиятда бир-бирлари орасида масофа сақлашлари зарур.

Ҳурматли фуқаролар, барча белгиланган қоида ва чекловларга тартибли равишда амал қилинсагина, тегишли ташкилотлар талаблари қатъий бажарилсагина, бутун дунёда тарқалаётган ушбу вирусга қарши биргаликдаги, ҳамжиҳатликдаги курашимиз самара беради. Барчангизни шунга чақирамиз.

Ўз навбатида, тегишли мутасадди масъул идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари ва ходимлари карантин билан боғлиқ талабларга риоя этилишини 24 соат таъминлаб борилишига шахсан жавобгардирлар. Барча маълумотларни туман штабида ташкил этилган ишонч телефони + 998 73 462 53 52 рақами орқали олишингиз мумкин бўлади. Биз бир кучмиз ва бу балога қарши биргаликда курашамиз ва уни албатта енгамиз.

С. Сайидмўсаев – Сух тумани ҳоқими

2020-07-16 16:56:55